

# ПАРТИЯ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

## ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1968 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 56 (5. 947) • 1986 йил 7 март, жума • Баҳоси 3 тўғри.

### Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг бориши тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1986 йил 6 март кунини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг эрталабки мажлисида ҳисоб комиссиясининг раиси ўртоқ М. С. Соломенцев партия марказий органларига сайлов натижаларини ўқиб эшиттирди.

Съезд ишида танаффус вақтида КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлди.

Танаффусдан кейин бошланган мажлисда съезд партия XXVII съезди сайлаган КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ва КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг мажлиси иши якунлари тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Ўртоқ Михаил Сергеевич Горбачев яқдиллик билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари этиб сайланди.

### КПСС МАРКАЗИЙ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

1986 йил 6 март кунини КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг мажлиси бўлди.

Комиссия ўртоқ И. В. Капитоновни КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг раиси қилиб сайлади.

Комиссия КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг

Пленум КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини, КПСС Марказий Комитети секретариатини сайлади, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия Контроли Комитетининг раисини тасдиқлади.

КПСС Марказий Ревизия Комиссияси ўз мажлисида комиссия раисини сайлади.

Съездда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев якуновчи нуқ сўзлади. Бу нуқ зўр эътибор бериб тингланди ва давомли қарсақлар билан бир неча бор бўлиниб турди.

М. С. Горбачев Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездини ёпиқ, деб эълон қилади. Съезд қатнашчилари баланд руҳ билан партия Гимни «Интернационални» ижро этдилар.

сининг Бюросини қуйидаги ўртоқлардан иборат составда сайлади: И. В. Капитонов — КПСС Марказий Ревизия Комиссияси Бюросининг раиси, А. А. Низовцева — раис ўринбосари, В. Ф. Конов, П. П. Лаптев, М. И. Халдеев—Бюро аъзолари.

### Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1986 йил 6 март кунини Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съездида сайланган КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди.

Пленум ўртоқ М. С. Горбачевни бир овоздан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайлади.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини қуйидаги составда сайлади:

Сиёсий бюро аъзолари — М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воронников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Д. А. Кунаев, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, В. В. Шчербицкий ўртоқлар.

Сиёсий бюро аъзолигига кандидатлар — П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Б. Н. Ельцин, Н. Н. Слюньков, С. Л. Соколов, Ю. Ф. Соловьев, Н. В. Тализин ўртоқлар.

Ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, В. И. Долгих, Л. Н. Зайков, М. В. Зиянин, Е. К. Лигачев, В. А. Медведев, В. П. Никонов, Г. П. Разумовский, А. Н. Яковлев ўртоқлар Марказий Комитет секретарлари қилиб сайландилар.

Пленум КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия Контроли Комитетининг раиси қилиб ўртоқ М. С. Соломенцевни тасдиқлади.

### Тошкент съезд делегатларини кутиб олмоқда

#### Кеча

делегатлари тушган самолёт етиб келди. Махсус мухбирларимиз Тошкент аэропортидан репортаж олиб борадилар.

... Аэровокзал биноси ёнидаги флагаҳоқларда худди фахрий қоровулликда тургандек қизил алволар хил-пайрайд. Бино олдига — катта транспарант. Унда ёрқин нурали остида «КПСС XXVII съезди делегатлари, хуш келибсиз!» сўзлари аққол товланиб турибди.

— 663-рейс. Қўниш 20.25 да, — диспетчернинг овози янграйди. Бир неча минутдан сўнг қумушранг «ИЛ-62» аэровокзал биноси томон яқинлашди.

Мана, традда улар — КПСС XXVII съезди ишида қатнашиш шарафига муяссар бўлган республикаимиз коммунистларининг вакиллари.

Авиароти, улар бу шарафга қайратли меҳнатлари, қайноқ қаблари ва миришкор қўллар билан мушарраф бўлишган. Делегатлар траддан навбат билан тушиб келдилар. Аёлларнинг қўлларидан чинчи гуллар. Уларни француз коммунистлари совға қилиб юборганлар. «Ўзининг» Тошкент гуруҳаси делегатлари ёнига келамиз. Учувчи кийимдаги кишининг баланд қомати дарров эътиборимизни тортиди: Ғайрат Абдужаллиловни Саримсоқов, «ИЛ-86» ҳаво кемасининг командири. Бу гал эса у Москвадан пассажир, съезд делегати сифатида учиб келди.

— Ғайрат Абдужаллиловни, мамлакат коммунистлари анжумани ишдан қандай таассуротлар олдингиз?

— Агар бир сўз билан айтсам — Узгача. Тўғри, съезд бошлангандан олдиноқ конкрет, ишчилик руҳида ўтишини кутган эдим. Бунга тўғри эдим. Бироқ, съезд мухити кутганимдан ҳам анд бўлди. Ғоят очик, ижодий, самимий вазиет бизни илҳом билан меҳнат қилишга чорламоқда. Фақат бизни делегатларини? Бутун мамлакат коммунистларини, бутун совет халқини илҳомлантarmoқда.

— Мен бу сўзларга тўла қўшиламан, — дейди съезд-

нинг яна бир делегати. 1-ўйсозлик комбинати бетончи-рувчи Евгений Александровна Губина. «Кутиб олишининг дастлабки минутлари ортда қолди. Тошкентлик делегатлар автобуслар томон йўл олишмоқда. Қизин суҳбат, енгил қўли эшитилиб турибди. Мана, Москвадан баҳор қизидек Тошкентга яшнаб кириб келган «Қизил тон» тикуччилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Ирода Раҳимова Тулаганова енгил қадам ташламоқда.

— Ирода, сиз пойтахтдан, москвалиқлардан қандай таассурот олдингиз?

— Менинг фикримча Москва — жаҳондаги энг гўзал шаҳар. Энг гўзал. Ахир бу Ватанимиз пойтахти. Москваликлар ғоят иш билан банд қилинар, бироқ улар жуда самимий, меҳмондўст. Улар биз, съезд делегатлари бўш вақтинини самарали ўтказишимиз ҳақида ғамхўрлик кўрсатишди. Мен бошқа делегатлар билан биргаликда СССР Катта театрида, пойтахт музейларида бўлдим.

Кремль менда беқиёс таассурот қолдирди. Тасаввуримизга, съездининг самимий, ишчан мухити, яна айтишимиз мумкин — доно мухити пойтахтин, яна ишончим қомилки, бутун мамлакатни қамраб олди. Айнан Москвада мен «Ленин партияси» сўзларининг чуқур мазмунини тушуниб етдим. Унинг сафида эканлигимдан фахрланаман.

Делегатларни кутиб олиш ниҳоятда В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг тоқари Владимир Тўйчиевич Одилов билан суҳбатлашганига муяссар бўлдим.

— Ишчилик министрчага бўлган ҳар бир киши съездда ўзини ҳақонланган саволларга жавоб олди.

— XXVII съездининг КПСС Марказий Комитети Сиёсий доклады юзасидан Резолюциясида таъкидлангани, экономика партия фаолиятининг асосий соҳаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, — дейди В. Т. Одилов. — Бироқ у ўзига нисбатан, илгари нисбатан бутунлай бошқача ёндошини талаб этмоқда. Михаил Сергеевич Горбачев ишонч билан айтгандек бундай ёндошининг зарурлигини қанчалик чуқур

Газетанингу шу сонига репортаж

англасак ишонаманки, бизнинг революцион, новаторларча йўлини шунчалик муваффақиятли бўлади. Илҳомсифатли йўллар, фан-техника тараққиёти йўллари, Бунин ҳамма тушуноғи, ўз меҳнатининг, ўз ижтимоий позициясининг нормасига айлантирмоғи лозим. Аввало — ишчи киши шундай қилмоғи даркор. Мен бирлашмадаги ўртоқларим олдига ана шу ҳақида гапирмоқчиман. Бизнинг умумий ҳиссамиз қанчалик салмоқли бўлиши ҳақида ўз фикрларини ўртоқлашмоқчиман. Ишончадаги ўртоқларим билан учрашувни сабрсизлик билан кутмоқдаман...

Ҳа, уларни жонажон коллективларидаги учрашувлар кутмоқда. Уларнинг бевосита ўзлари касбдош ўртоқларига партиянинг Сўзи ва Иши бирлиги ҳақида сўзлаб берадилар. Улар КПСС XXVII съездининг делегатлари.

Ю. КАЗАЧЕНКО. Суратда: съезд делегатлари Тошкентга қайтиб келиши.

Т. Каримов фотоси.

### «Партия режаларини чин қалбдан маъқуллаймиз!»

Алло, редакциями? 32-55-37

ТОШКЕНТЛИКЛАРИНИ ДИЛ СЎЗЛАРИ АНА ШУНДАЙ

КПСС XXVII съезди ўз ишини давом эттириётган кезларда юзлаб оқшомхонлар 32-55-37 телефон номерига қўнғироқ қилишиб, КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVII съездига Сиёсий доклады, делегатларнинг сўзлари тўғрисида, съезд қабул қилган муҳим ҳужжатлар ҳақида ўз фикрларини билдирдилар.

Ижтибор Екатерина Васильевна Агешина барча тошкентликларнинг фикрини ифодалаб телефонда шуларни айтдики, съездда юзлаб улкан ва кенг микёбли вазифалар қўйилди. Бу эса барчамиз тўқинлантarmoқда. Унда қўйилган вазифаларни ҳар эгиз ҳар бир коммунистда, барча меҳнатқиллардан мислсиз уюшқоқлик, зўр ғайрат-шижоатни, фидойиликни талаб этади. Ҳозир фақат маъқуллик, ваъда беришнинг ўзи камлик қилмай, албатта. Энг аввало, конкрет иш, юксак самарга эришмоқ лозим!

Съезд ўз ишини ниҳоятда етказди. Оқшомхонларимиз партия XXVII съезди ўз ишини давом эттириётган кезларда турган барча янги иш формаларидан бундан буён ҳам фойдаланишини таъкидлаштирмоқда. Шулардан бири «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида шу телефон номери орқали оқшомхонларнинг ўз дил сўзларини рўй-рост изҳор этишидир. Оқшомхонларнинг бу таъкидфини инобатга олдик.

Тўғри, редакциямизга келадиган хатлар оқими кўпаяпти. Айни пайтда 32-55-37 телефон номерига оқшомхонларнинг бевосита дил сўзларини изҳор этишлари у ёни бу масала бўйича жамоат фикрини ўрганишга ёрдам беради ва партия, совет органларига кўмаклашадим.

нашишларда деб билардик. Аслида эса бу биз амалга ошира оладиган ишларнинг маълум бир қиррадари ҳолос-ку. Мен Сиёсий докладыда айтилган уруш ва меҳнат ветеранлари Умумиттифоқ жамоат ташкилоти тузилишини чин дилдан қўллаб-қувватлайман ва қизини маъқуллайман.

А. ЭШОНҚУЛОВ, Совет Иттифоқи Қаҳрамони.



#### МЕҲНАТГА МУҲАВВАТ

Биринчи навбатда муваффақият ҳақида гапириники истар эдим. Бизнинг ютуқларимиз фақатгина қорозда бўлмаслиги керак. Бунинг зарари оқибатлари КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVII съездида Сиё-

#### Ўзбекистон пойтахти меҳнатқиллари

ҳаббат туйғуси ҳам жўш урмоғи лозим. Бу туйғусиз бирор ишни ҳалол бажариш қийин. Бизнинг бригада корхонасининг 23 бригадаси ўрта-сида энг илғори ҳисобланади. Шундай бўлса-да, баъзан ишмизда узалишлар бўлиб туради. Демак, кимдир яхши ишламайти, кимдир вазифаларини бажариш учун барча инсоний туйғулар катори кишида меҳнатга му-

#### КПСС XXVII съезди қарорларини қизгин қўллаб-қувватламоқдалар

ларҳол таҳлил қилиниб, тегили чора-тадбир қўрилади. Чораси қўрилса, албатта яхши. Бироқ баъзи ҳолларда бундай қўришларга беварқ муносабатда бўлишганини кишини аяблантиради. Съездининг аниқ шундай қўришларга нисбатан аёвсиз кураш олиб бориш, амалий муваффақиятларининг тан олишининг болшевистик қаты-ят билан айтилиши айни муддао бўлди. Бу — барча ҳа-

#### Б. ЖҲРАЕВ, марказлашган усулда юк ташини автомобиль трестининг 2502-автомобилинаси бригадаси бошлиғи.

#### ДИЛДАГИ ГАПЛАР

КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVII съездида Сиёсий доклады менда жуда катта таассурот қолдирди. Унда дилмиздаги гаплар ғоятда топиб айтилган. Айниқса, биз, кекса авлодга ғамхўрлик, диққат-эътиборнинг янада оширилиши қалбимни беҳаттир тўқинланттириб юбориши билан бирга, Сиёсий докладыда «Уруш ва меҳнат ветеранлари Умумиттифоқ жамоат ташкилотини тузиш — янги



# БАЙРАМ ОҚШОМИ

Социализм хотин-қизларни иқтисодий ва социал зулмдан халос этди, уларга меҳнат қилиш, билим олиш, ижтимоий ҳаётда қатнашишда эркаклар билан тенг имкониятлар яратиб берди.

(ИПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVII съездида Сийсий докладидан).

## Э Ў З О З

Она! Она-Ватан! Бу сўзлар бир-бирига шу қадар ҳамонанги, унинг таърифига сўз еттирмайди. Она-Ватан, Она сўзлари ҳаммамиз учун ҳаёқ ва лаззатлидир. Муносиб меҳрибон оналаримизни ҳар қанча ҳурмат қилсак, ҳар қанча эъзозласак арзийди.

Шаҳримизда юзлаб, минглаб онахонлар ёш авлоднинг меҳр-муҳаббат билан тарбиялаб, замонамизнинг етук кишиларини қилиб етказишмоқда. С. Раҳимов райониданги «Октябрь 40 йиллиги» маҳалласида қўлаб Қаҳрамон оналар яшайди. Бу ерда «Қаҳрамон оналар» — бизнинг фахримиз» деган мавзуда учрашув ўтказилди. Маҳалла хотин-қизлар Советининг раиси Тожик опа Шермухамедова фахр билан бундай деди:

— Маҳалламизда 500 дан ортиқ табаррук она иштирок қилди. Буларнинг қўлиниги маҳалламиздаги Тошкент чинни заводида, металл буюмлари ишлаб чиқариш корхонасида ва бадий-конструкторлик бюросида ишлашди. Ҳатто қаҳрамон оналаримиздан Мукамбар Солихова, Насиба Ғойибназарова, Насиба Файзрахмонова кабилар ҳамон чинни заводида ишлаб келишмоқда. Мен ана шу 10—12 талаб фарзандларини тарбиялаб камолга етказган Қаҳрамон оналаримизни кириб келаётган 8 Март байрами билан чин қалбимдан табриқлайман.

Маҳаллада истиқомат қилувчи кўп болали Қаҳрамон оналар Тўхта Исроилова, Адолат Холматова, Мукамбар Солихова, Саида Мухаммад

медова, Назира Нигматова, Токи Мухиддинова, Лазоқат Ўлдошева, Насиба Ғойибназарова, Азиза Қорабоева, Насиба Файзрахмонова, Ошша Убайдуллаевага гуллар тақдим этилди.

Қаҳрамон оналар номидан сўзга чиққан Тўхта опа Исроилова хаяжон билан бундай деди:

— Мен аввало, кўп болали оналарга раҳмат қилиб келаётган жонанжон Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматимизга барча Қаҳрамон оналар номидан миннатдорчилик билдираман. Шаҳсан мен ўзим давлатимиздан жуда кўп ёрдам олдим. Шу тўғрисида фарзандимни қийналмай тарбияладим, уларни касб-ҳунар эга қилиб тарбияладим. Оналаримизнинг меҳнат қилиш, болаларни тарбиялаш ва турмуш шартларини янада яхшилаш ҳақида чексиз ғам-ҳўрлиги учун жонанжон Коммунистик партиямизга чексиз миннатдорчилик билдираман.

Тантанали йиғилишда онахонларга совғалар берилди, ҳаваскорлар концерти уларнинг दिलни хушнуд этди.

**Х. КУЛДОШЕВ,**  
«Октябрь 40 йиллиги» маҳалла комитети сиёсий-оммавий ишлар сектори мудири.

### Ҳар касбнинг ўз гашти бор

## ОРАСТАЛИК УСТАСИ

Ҳар касбнинг ўз гашти, завқ-шавқи бор. Шундай касблар борки, электроника ҳам, автоматика ҳам баъзари олмайдди, уни фақат моҳир кўнлар, ноаниқ дидлар адо этади. Соҳни парваршиш, турмақлаш, кўркам шакл беришда орасталик касби эгалари жонга оро қиради.

Элимира Тўрахонова шундай ноаниқ касбда ишлайди. У Октябрь район маъшии хизмат кўрсатиш уйи қошидаги 1-сартарошхонада ишлай қилади. Элимира модельер-уста. Унинг кундалик иши янгилик яратишдан иборат, десак хато қилмайми. У билан сўхбатлашганимизда дил сўзларини айтди.

Элимирахон, касбингиз ўзингизга ёқадими?  
— Мен ўз ишимни севаман. Одамларга хизмат қилиш, улар билан ишлаш катта бект...  
— Қанча ва нега шу касбин танлагансиз?  
— Урта мактабни тугатган, тўғри сартарошхонага келишим ишини шогирдликдан бошладим. Ота-онам: «Қиз боласан, шундан бошқа касб танласан бўлмайди!» Ҳамшира бўлиб, тикувчи бўлиб дейишди. Мен бу касбин севганим учун астойдил ҳаракат қилдим.

Уста сартарош ишида турли ҳолатлар бўлади. Баъзан тез ва енгилгина ҳаракат қилиб, мижозга ёқадиган прическа яратилади, баъзан эса бунинг олдига келишди. Лекин Элимирага келадиган мижозларнинг аксарияти «Менга жуда ёқди», деб хурсанд бўлишди. Чунки у касбин пухта эгаллаб олган. Кимга қандай соч турмақлашини ярашишимни юз тусилишидан давоқ бўлади. У Рига шаҳридаги сартарошлар малякасини ошириш курсида таҳсил олган. Қатор кўрик-конкурсларда иштирок этиб совриндор бўлган. Соҳи шаҳрида ўтказилган Халқаро кўрик-конкурсда ўзи яратган «Кара» номи прическа учун ғолиблигини қўлга киритган.

Мижоз эшикдан чиқиб кетгунча Элимира ундан кўз узмайди. «Яна қайта келармикин» дея кутади. Балки ўша мижоз яна келиб: «Бўшимиз, яқинда келганимда соҳини чиройли қилиб турмақлаб қўйганингизга» дейди. Демак, Элимирада яна бир доимий мижоз пайдо бўлди. Шунда у касбин одамлар учун нақадар заруриликни, одамларга фойдаси тегаётганидан бир олам қувонади.

Дилновар АБДУВОСИЛОВА.

## Нурафшон

### ТОНГ

(Қатра)

— Синглим, ўғиллик бўлдингиз. Муборак бўлсин, — деди ҳамшира меҳрибонлик билан, Камоланинг юраги орзиқиб кетди, дармонсизликдан оқариб кетган юзига қизиллик югурди. Ҳамшира синглимга инглаётган чаққонлик билан кўрақлаб олиб чиқиб кетди. Унинг йиғиси анча пайтгача онанинг кўлогидан кетмади.

Камолани палатага олиб киришганда ҳамма ширин уйкуда эди. Ёнидаги қараотда ётган тўладан келган аёл кўзларини хил оқиб:

— Омон-эсон кўтилдигизми, — деб кўнгли кўтарди ва қизқинчиб сўради.  
— Уғилми, қизами!  
— Уғил, — деди ички бир гуруру билан Камола енгил тин олиб.  
— Вуй, қандай яхши! Менинг учинчим ҳам қиз бўлди. Камола ўзини лоҳас сезар, кўллари титради. Ҳамшира узатган бир пилла ширин чой танасини яйратиб юборгандай бўлди. Аммо кўзига уйқу келмас, хаёли паришон, ўғилчасини жуда-жуда кўргиси келарди. Коридордан эса чақалоқларнинг йиғи овози эшитиларди. Гўдак гўё дунёга келганидан оламга жар соларди. Ҳа, унинг полапони инглаётган! «Наҳотки ҳеч ким қарамасан!» — кўнглидан ўтказди.

Ҳамширани чақирмоқчи бўлди. Аммо ёнидагиларни уйғотиб юборишдан истихола қилди. Гўдаклар эса, бири олиб, бири қўйиб йиғлашарди. Чиндоғамлар. Ҳамшира овозлари борган сари кучаярди. Ҳамшира кўнглини тўрига ҳаракат қилди. Мақол-сизиланиб, деворни ушлаб аста-секин коридорга чиқди. Шу пайт ҳамшира хонасидан чиқиб қолди.

— Синглим, нега турдингиз, мумкин эмас... Қарага кетяпсиз! — деб сўради.

— Инглапти, — деди у зўрға.

— Ана холос, меҳрибон онажон чиқиб қолдингиз-ку! — Сиз ҳеч хавотир олмаган. Чақалоқлар қанча йиғласа, шунча яхши, кўзи қора бўлади, — қувноқ қилиб жавоб берди ҳамшира. — Ҳали иситмангиз бор-а, соғлимингиз ўзингизга ҳам керак, ётиб қоланг... Шундай деб у Камоланинг кўлигидан паллакача бошлаб кирди. Уни ўғилча ётқизаркан, ҳамшира сал илгари хавлидан кечган: «Ҳали ўзи бола-ку, яна фарзанд...» деган гапидан ўзи хижолат бўлиб кетди.

Камола эса оқ сўрпалли қараотда ётди-ю, лекин ухлай олмади. Кўнгли остида ўғилчасининг кинга-нингаси янгради. Она ўлардан: «Касал қилиб қолмадингизми!», «Кўрник очмадингизми!»

Шу зайл тонг отди. Эрта баҳор тонги. Бу ёш келинчақнинг биринчи оналик тонги эди.

Опоқ, нурафшон тонг отарди...  
Мая ОБИДОВА.



## БАХТ ЁР БЎЛСИН!

Сиз — Онасиз, мураббий-синиз, тарбиячисиз. Сиз Ватанимизнинг моддий бойликларини яратиб бергани эмас, маънавий бойликларини яратишда ҳам фаол қатнашмоқдасиз. Зеро, мактаблар, маданият муассасалари, шифохоналарда ишловчиларнинг кўплари Сизлар. Сиз, саодатли давримиз ёш авлодини истиқболга янада порлоқ бўлиши учун, осмонимиз мусофоллиги учун қанб кўрнингизни бахшда этмоқдасиз. Сизга бахт ёр бўлсин!



### Қўлайликлар адреси:

## БИР-БИРИДАН ЧАҚҚОН

Ҳозир шаҳримизда сановатдан ташқир хизмат кўрсатиш комбинатига қарашли 350 та сартарошхоналар аҳолига хизмат қилмоқда. Ўқинда шифо-корлар массивида етти ўғиллик, Халқлар дўстлиги майдонига «Золушак» замонавий сартарошхоналари фойдаланишига топширилди. Бундан ташқир корхона ва ташкилотлар қошида бундай пунктларни очишга ҳам катта аҳамият берилмоқда.

Кўпчилик ҳамшаҳарларимиз таҳсинига сазовор бўлаётган яна бир кўркем, замонавий экспериментал сартарошхона Узбекистон ССР 50 йиллиги проспекти билан Усмон Юсупов кўчаси муволишида жойлашган биринчи бўлиб очилган.

Л. Очиллова мудирлик қилаётган сартарошхонага байрам арасида телефон қилдик. Халқаро классдаги мастер-модельер, ўн мартаба халқаро конкурсларда «Олтин медалига» сазовор бўлган мудир билан гаплашамиз.

— Бизда йиғирмата уста ишлайди. Уларнинг ҳаммаси ҳам бир-биридан чаққон. Байрам арасида ишимиз янада кўпаяди. Бу ерда янги модалар соғлар олинди ва турмақланди. Йиғиларимизга «Ешлик», «Авангард», «Темп» деб номланган кўринишдаги соч олишлар манзур бўлмоқда. Аёлларимизга янги кўринишдаги прическалар, янги хижолатдаги қош ва киприк бўяшлар жуда маъқул.

Эркатош ШУКУРОВА.

### Табаррук кексаларимиз

## АСРДАН ОШГАН УМР

Шаҳримизнинг Ҳамза кўча, 16-тўғи, 5-уйида истиқомат қилувчи Саврихон ая Юнусмухамедова 106 ёшини қаршилади. Кекса онахон 14 фарзандни тарбиялади. Ҳозир табаррук онахоннинг 90

невараси, 110 эвараси, 10 чевараси бор.  
— Ҳаёт ширин, — дейди Саврихон ая жилмайиб, — умринг лаззати меҳнатда, фарзандлар камолида, турмушнинг тинч-тотувлигида.

Мен шундай дорилармон, тинч, фаровон замонада яшайётганимдан хурсандман. Кекса асрда ҳам ҳаммамиз омон бўлаётган дунё тинч, халқимиз доим бахтиёр бўлсин. Оқила ҚАРИМОВА.

### Ажойиб ҳикоятлар

## Энг қудратли сўз

Бир доно бобо ағни аўқоқ набираси билан сўз қудрати ҳақида фикрлашиб ўтириб, баҳслашиб қолди:

— Дунёда энг қудратли сўз нима? — сўради доно кекса.

— Зўқоқ набира бир зум ўйлаб айтди:  
— Ҳаёт.  
— Ҳаёт, — деди ундан ҳам қудратли сўз бор.  
— Бахт...  
— Йўқ, бу ҳам эмас.  
— Муҳаббат.  
— Йўқ! — бош тебратди доно кекса истехзоли жилмайиб, — аўқоқ йиғит бўлсанг ҳам дилинг тубидаги энг қудратли сўзини айтма-япсан...

Набираси анча ўйланди-да, ёнига ҳеч қудратли сўзини келтирилмади:

— Узингиз айтга қолинг бобожон, энг қудратли сўз нима?

Бобо ўзини қошлари остидан набирасига ўсмончилаб ним табассум билан қаради.

— Сен ақлли, зўқоқ йиғитсан, — деди бобо набирасини ўқитмай, — ҳозир айтган хар бир сўзинг ҳам қудратли: Ҳаёт, бахт, муҳаббат буюк нарсалар, лекин булардан ҳам қудратли сўз бор. Дунёда энг қудратли сўз — она, демак аёл!

— Ҳа, бобожон, дилим тубидаги энг қудратли сўзини айтишни унутибман...

— Шунча бўлади, — унга таскин берди бобо, — одам энг яхши сўзини баъзан айтмай туради. Она сўзи юрак тубида денгиз остидаги марвариддек доим пок сақланиб туради.

— Она сўзининг қудратини таъриф этиб беринг, бобожон.

— Яхши, мана эшит. Дунёга келамиз, биринчи она сўзини айтаман. Она меҳрида қўшининг жамоли, ҳаётнинг камоли бор. Она — ҳаёт сўзини беради, оёқна босганимизча кўксига қўйиб кўтариб юради. Касал бўлсан — шифокор, қўқилсан — мададор, бутун умр фидокор бўлади. Кеча-ю-қундуз болам-олам деб ишлаб тинмайди, чарчаш нимагини билмайди... Эҳ-э, аёллар куч-қудратининг, фарзандларига меҳр-муҳаббатининг таърифи сўз йўқ... Шунинг учун инсон боласи ўзи яшаб турган муқаддас заминни бошқа ном билан эмас, «Она Ватан» деб атади...

— Бобожон, оналарни нимага қиёс қилса бўлади?  
— Она — қўёш, у инсониятга, сен баҳсимиз бошида айтган ҳаётни, бахтни, муҳаббатни инъом этган. Бу ёруғ дунё оналар меҳри қўёш билан мунаввар бўлиб турибди.

Тўғи РАСУЛЕВ.

## ГУЛЛАР БИЛАН ҚУТЛАШДИ

### Илл масканларида

Мактабнинг катта залга нуруний онахонлар, она-сингиллар, мураббий-тарбиячилар йиғилишган. Ҳаммининг чечмасида гулдек табассум. Саҳнада тийрак ўқувчи қиз жарандор овоз билан шеър ўқийди!

Она қандай азиз, қандай удуғ ном,  
Уни шарофатлик, севайдик мудо!  
Қарсақлар янграйди, ўз фарзандларини тилидан эъзоз-қўзларини эшиттаётган онахонларнинг диллари яйрай...

ди. Акмал Икромов районидан В. И. Ленин номи 116-ўрта мактабда Халқаро хотин-қизлар байрами — 8 Мартга бағишлаб ўтказилган тантана ана шундай завқли бошланди. Мактаб директори Рустам Афзалов йиғилганларни қутлуг байрам билан табриқлади.

— Мактабимизда янги мингга яқин ўқувчи таълим-тарбия олапти, — деди у. — Ёш авлоднинг чинакам коммунистик руҳда тарбиялашда она — ота-оналаримиз бе...

бахо ҳисса қўшаётдилар. Педагогик коллективимизда ишлайётган аёл ўқитувчиларимиз ўқитиш-қўйиш сифатини ошириш, жонанжон Коммунистик партиямизнинг XXVII съезди материалларини ўрганиш, аҳоли ўрасида партиямиз кўрсатмаларини кенг тарғиб қилиш ишларида намуна кўрсатишмоқда. Азиз онахонларимизга, она-сингилларимизга бахт-саодат доим ёр бўлсин.

Виллар табаррук онахонларга ва ўқитувчиларига гуллар тақдим этилди. Аълочи ва актив ўқувчилар Х. Абдуллаева, М. Қодиров, Ф. Олимжонова, З. Абдуллаева, Н. Иброҳимов, В. Саматхонов ва бошқа ўқувчилар оналар мадҳ этилган шеърларни ёддан ўқинди, дил сўзларини айтти.

Мактабнинг таърибли ўқитувчиси Ҳадиса Убайдуллаева уюштирган адабий-бадий қозониция ҳам-мани хушнуд этди.

Марғуба АҚРОМОВА.

### Рассом табассуми



— Дадаси, 8 Мартага сингилчи фарзанд муборак!



— Кларахон, байрамингиз муборак.



— Дадаси, бугун сиз хизматда, биз иззатда...



— Ойқон, беш баҳоларим сизга совға.




— Сенга бугун гул тақдим этаман.



— Ойқон, беш баҳоларим сизга совға.



— Сенга бугун гул тақдим этаман.



# ОРЗУЛАР ЁЛҚИНИ

Шаҳримиз чемпиони

ган томонга йўналтириди. Бу ҳужумни баргараф эта олган иккинчи спортчи имониёти бий берди.

Тенниснинг кичи шарчаси ўз нимага «бўйсундирган» бу йигит спорт мастерлигига номзод Тўлқин Баҳромовдир. Бугунги ҳикоятимиз ана шу умидли кичик ракетка устаси ҳақида.

Теннис билан Тўлқин шугуллана бошлаганда унинг баъзи тенгқуллари аллақачон кичик ракетка билан қачон ҳаракат қилар, «бўйсунмас» теннис шарчасини ўз нимага итатишга ўргатган, ҳатто спорт разрядга ҳам эга эди. Дастлабки пайтларда Тўлқин ажирлик билан ҳаракат қилаётган дастларига ҳавас билан қарарди. Шу кўзатишлар жараёнида унда тенниснинг зўр иштиёқи пайдо бўлди. Нима қилса ҳам у бу кичикрак ўйин билан ўрганиш ва кичкина шарчани ўз нимага бўйсундиришга аҳд қилди.

Тўлқин аста-секин стол теннис сирлари, техникаси билан таниша борди. 7 синфда ўқиб юрган вақтида у «Буревестник» кўнгли спорт жамиятининг стол теннис секциясига аъзо бўлди.

Кўп жойда янги келган одамга дастлаб эҳтиёткорлик билан, унга ишонқирамай қарашди. Спорт секциясида ҳам баъзан шундай бўлади. Тўлқин ҳам бундан мустасно бўлмади. Бирон тез орада вақтин, кампал бола ўзининг меҳнатсеварлиги, ҳаракатчанлиги билан машғулларда кўзга ташлана борди. Шу боисдан бўлса керак Тўлқиннинг биринчи устози, спорт мастери Ю. Мохов ўз шогирдларининг бу фазилатларини қадрлар, унинг қобилиятини ҳисобга олган ҳолда Тўлқинга бу ўйин сирларини ўргата борди. Тренер ёш шогирдинга ҳам амалий, ҳам назарий сабоқ беради, шу билан бирга стол теннисда қандай турниш, шарчани қандай уриш, ўнг, сўл томондан ҳужум қилиш ва ҳимоланиш каби маҳорат сирларини кўнгил билан машқ қилдириди.

Икки йил мобайнида Тўлқин Ю. Мохов раҳбарлигида секцияда стол теннис сир асорларидан воқиф бўлиб, анча маҳоратли спортчи бўлиб айланди. Натيجида турли тоифадаги мусобақаларда қатнашиб, муваффақиятга эриша бошлади. Ёш спортчи ўзининг чиройли ва шиддаткор ўйин билан мутахассислар назарига тушди.

Бу ютуқлар туфайли у 1984 йили шаҳримиздаги танқил кичик ракетка устозларининг устози, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер Михаил Борисович Шумклер раҳбарлигидаги теннис бўйича етук мутахассис, талабчан мураббий Михаил Борисович етакчилигида Тўлқин ўзи меҳр қўйган бу спорт турининг янги қирраларини кашф этди. Энди у мусобақаларда олдинги ўйинларга нисбатан анча муваффақиятли қатнаша бошлади. Тажриба орттира борган Тўлқин шаҳар, об-ласта ва республика миқёсидаги учрашуларда ўз спорт коллективи шарафини ҳимоя қилиб, фахрли ўринларни эгаллади.

Айниқса ўтган йили Тошкент шаҳри XIII ўсмирлар спорт ўйинлари мусобақасида Тўлқиннинг омади келди. У яқна разрядда фахрли биринчи ўринни ва жуфт разрядда совринли ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Шунингдек, ўтган йили спорт мастерлигига номзодлик талабини ҳам бажарди.

Тўлқиннинг оиласида спортчи севилади. Унинг кичи укаси Ўткир бокс иштиёқи, ундан қатъан аса футболчи бўлиш орузида тўп сурмоқда. Улар ўз аналари Тўлқин билан ҳақли равишда фахрланишди ва уларнинг ҳар бири ҳам акаси сингари спортда муваффақиятга эришишни, Тошкент чемпиони бўлишни орау



## МУАТТАР АТИРЛАР

Упа-элик фабрикаси коллективи Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан совгабоп маҳсулотларнинг янги туркумини тайёрлади. Оригинал, кўркам бе-заки кутучага жойлаштирилган «Кайфият» атири бошқа маҳсулотлар ичида муаттарлиги, хушбўйлиги билан алоҳида ажралди туради. Ушбу атир Москва шаҳридаги «Новая заря» фабрикаси ходимларининг «репелти» бўйича тайёрланди. Байрам арафасида ана шундай атирлардан 15 миң дона ишлаб чиқарилиб, савдо тармоқларига жўнатилди.

ти хил янги маҳсулот савдо пештахталарига чиқарилади. Булар «Шанс», «Сўзана», «Сароб» атирлари, «Свежесть», «Мидри» лосонлари, «Мальвина» бола-лар кремидир. Бу йил фабрика коллективи 96 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлашга аҳд қилган. Айни пайтда бу ерда янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ишлари муваффақият билан давом этмоқда.

(Тошкент оқшомининг навбатдаги сони 10 мартда чиқади.)

Редактор Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИГИ ҲЗ-БЕК ДАВЛАТ АКАДАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/7-8/Ш да Байрам концерти.

ҲАМЗА НОМИДАГИ И ҲЗ-БЕК ДАВЛАТ АКАДАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/Ш да Курорт, 8/Ш да КеКеймилар кўзғолони (12.00), Ҳеририни қароқчи урди (19.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҲЗ-БЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7/Ш да Эшлиқда берган кўнгли, 8/18/Ш да Кулги кечаси (15, 19.00).

## КИНО

7 МАРТДА

**БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«МОСКВА УЧУН Ж ЖАНГ» — Санъат саройи (17, 19.30): телефонлар: 44-21-34, 44-21-44, 44-21-74).

«ТУМАНЛИ СОҲИЛИЛЛАР» — Санъат саройи (16, 6, 18.30, 20.45).

«ЕВВОИЙ ХМЕЛЬЯ» — Москва (тоқ соатларда, а, сўнгги сеанс 20.40 да, телефон ўн 33-05-01). Чайка (тоқ соатларда, телефон 77-06-20).

«УТА ЕКИМЛИ ВА А МАФ-ТУНКОР» — Восток (жуфт соатларда, телефон 91-11-14-61), Исра (жуфт соатларда, да, телефон 39-14-59), Тошкент ат Советининг 50 йиллиги (тоқ оқ соатларда, телефон 78-47-25)25).

«ИККИ ЕҚЛАМА ҚОПОҚОН» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (16, 18.30, 21.00), С. Ра Раҳимов номи (17, 20.00).

«ГАГРАДА ҚИШ О ҚОШО-МИ» — Қозғистон (жуфт соатларда, телефон 35-24-92)22).

«У МЕНИ ЕҚИРАДАДИ» — Қозғистон (тоқ соатларда).

«ИЗҚУВАР» — Нукус ус (16, 18.30, 20.45; телефон 46-70-69).

«ҚАНДАЙ БАХТИЕРЕР ВУ-ЛИШ МУМКИН» — Ватан (жуфт соатларда, сўнгги ти сеанс 21.30 да).

«ҚУВНОҚ ЯҚШАНБЕБА» — ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда).

«КАЛЬМАН ЖУМБОҒОҒИ» — Лисунов номи (17, 20.00.00; телефон 96-34-02).

8 МАРТДА

**БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«МОСКВА УЧУН Ж ЖАНГ» — Санъат саройи (12, 14.30, 17, 19.30; телефонлар: 44-21-34, 44-21-44, 44-21-74).

«ТУМАНЛИ СОҲИЛИЛЛАР» — Санъат саройи (10.30.30, 13, 16, 18.30, 20.45).

«ЕВВОИЙ ХМЕЛЬЯ» — Москва (тоқ соатларда, а, сўнгги сеанс 20.40 да, телефон он 33-05-01). Чайка (тоқ соатларда, телефон 77-06-20).

«УТА ЕКИМЛИ ВА А МАФ-ТУНКОР» — Восток (жуфт соатларда, телефон 91-11-14-61), Исра (жуфт соатларда, да, телефон 39-14-59), Тошкент ат Советининг 50 йиллиги (тоқ оқ соатларда, телефон 78-47-25)25).

«ИККИ ЕҚЛАМА ҚОПОҚОН» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; 5; телефон 46-70-69).

«ҚАНДАЙ БАХТИЕРЕР ВУ-ЛИШ МУМКИН» — Ватан (жуфт соатларда, сўнгги ти сеанс 21.30 да).

«ҚУВНОҚ ЯҚШАНБЕБА» — ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда).

«КАЛЬМАН ЖУМБОҒОҒИ» — Лисунов номи (11, 14.14, 17, 20.00; телефон 96-34-02)02).

И. ОХУНБОВОВ Е НОМИДАГИ ЕШ ТОМОШАВИБИНЛАР ТЕАТРИДА

8-9 МАРТ СОАТ 19.30.30 ДА М. ҚОРИЕВОВ Е НОМИДАГИ ҲЗ-БЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

«Гўзал» ансамблининг концерти и

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:

Олмаҳон ҲАЙИТОВА, Отамурод БЕКЖОНОВ

Тошкент область Ленинград комсомол мукофотининг лауреати Олимжон ОРИФЖОНОВ

Соҳиллар: Отамурод ҲАЖИЕВ, Мунозор НУЛЧИЗЕВА, Бахтиёр ТУЛАГОНОВ, 3, Гулнора ОДИЛОВА, Замира а Гаф-ФОРОВАлар қатнашадилар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСВОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Отамурад БЕКЖОНОВ олаб беради.

«Гўзал» ансамблининг бадий раҳбари — Олмаҳон ҲАЙИТОВА.

Музыка раҳбари — П Шавкат МИРЗАЕВ.

Билетлар сотилмоқда. а.

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА**

МАКТАВ УҚУВЧИЛАРИНИНГ ВАҲОРГИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

«Мардлар аренаси»

КАТТА ПРОГРАММАСИ

(2 бўлимдан иборат)

«ШЕРЛАР ОРАСИДА»

АТТРАКЦИОНИ

Ўргатувчи — Н. СКВИРСКИЙ.

ТОМОШАЛАР 22 мартда соат 13, 16 ва 19.00; 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31 март кунлари соат 10, 13, 16, 19.00 да БОШЛАНАДИ.

Коллектив бўлиб келиш учун заявқалар қабул қилинмоқда. Касса соат 10 дан 20.00 гача очик.

М. Торский номи метро станцияси, «Болалар дунёси» мағзини, «Революция хибони» автостанцияда жойлашган кас-салар дам олиш кўниси соат 14 дан 20.00 гача ишлайди. 44-35-91, 44-28-04, 44-35-84 телефонлари орқали справна-лар олиш мумкин.

## МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

БАРЧА ҚАБУЛ ПУНКТ-МАГАЗИНЛАРИДА ҚУИИДА-ГИ КИТОБЛАРГА АБОНЕМЕНТЛАР МАВЖУД:

Г. Уэльс. «СЕХРЛИ ДҶОНЧА».

Ф. Купер. «СҶНГГИ МОГИКАН».

«МИНГ БИР КЕЧА» эртақлари.

А. Гайдар. «ТАНЛАНГАН АСАРЛАР».

«ЧЕТ ЭЛ ЕЗУВЧИЛАРИНИНГ ЭРТАҚЛАРИ».

Қабул пунктларида иш кунлари А. Чапинининг «СТЕ-ПАН РАЗИН» китобига абонементлар берилди.

7 ва 14 мартда ҳар бир қабул пункти томонидан 75 тадан абонемент тарқатилди.

8, 9, 15 ва 16 мартда эса ҳар бир қабул пункти томонидан 200 тадан абонемент тарқатилди.

А. Чапинининг «Степан Разин» китобига абонементлар фа-қат бир вақтининг ўзиде 10 килограммдан кам бўлмаган миқдор-да макулатура топширилгандан кейингина берилди.

Абонемент 20 килограмм макулатура топширилганидан кей-ин унда кўрсатилган китобга эга бўлиш кафолатини беради.

Марқалар учун макулатуралар фақат абонемент кўрсатил-гандан кейингина қабул қилинади.

Абонементлар тарқатилгандан кун ва вақтлар: жумада — соат 18.00 дан, шанба ва якшанбада — соат 9.00 дан.

Бошқа кунлари макулатуралар абонементларни марқалар комплекти билан тўлдирш учун, макулатура ва инкиламчи хом ашёларни ҳақ тўлаш шарти билан чекланмаган миқдорда қабул қилинади. 52 — 01 префскрунтга мувофиқ ҳар кило-грамм макулатура учун 2 тийин; ҳар килограмм жун ва ярим жун латта-путталар учун 16 тийин; ҳар килограмм ил-газлама латта-путталар, каноп ва қоплар учун 6 тийин ҳақ тўланади.

Пунктларнинг ишлаш вақти ҳар кун, жумадан ташқари — соат 9.00 дан 18.00 гача, танаффус — 13.00 дан 14.00 гача, жумада — соат 11.00 дан 20.00 гача, танаффус — соат 14.00 дан 15.00 гача. Дам олиш кун — душанба.

Макулатуралар турлари бўйича: газета, китоб-журнал, рўзгор картон ва ўраш қозғолари тарзида фақат алоҳида дастлаб бо-ланган ҳолда, граждандар наерда яшаб турганлигидан қатъий назар навабга туриш тартиби билан қабул қилинади.

Оқтепа майдон, Тўлқиний кўчаси билан Ёнма-ён 7-уй яқи-нида кўчма қабул пункти ягонаш ишлайди.

**ХУРМАТИН ГРАЖДАНЛАР!**

Макулатура ва инкиламчи кўнчилиги материалларини абонементлар олиш учун қабул пунктларида фаол равишда топ-шириш китоб савдоси тармоқларига зарур адабётларнинг тез-роқ келиб тунишига имконият яратди.

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАВ ЧИҚАРИШ-ТАЙЕРЛАШ КОРХОНАСИ.**

13.15 «Усимликлар дунёси».

14.00 «Дунё воқеалари».

14.15 «Электрон буви». Болалар учун телевизион бадий фильм премьераси.

15.20 «Муъжизасиз-муъжизалар».

16.20 «Давр ва ўзим ҳақимда».

16.35 Шейрий антология. Н. Тихонов.

16.35 «Чемпион». Мультиплика-цион фильм.

16.45 «Космичка». Телевизион клуб.

18.15 Катталар учун мультиплика-цион фильмлар.

18.45 Томошабинларнинг талаб-ларига биноан, «Совет Иттифо-қи элиси». Бадий фильм.

19.25 «Кўпги кечаси» кўрсатуви саҳифаларида.

21.30 «ВРЕМЯ».

22.05 «Байрамимиз билан, азиз хотин-қизлар!» Музикали про-

## РЕКЛАМА

М.ТУРҒУНБОВЕВА НОМИДАГИ «БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

9 МАРТ СОАТ 19.30 ДА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган «БАҲОР» ДАВЛАТ ХАЛҚ РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

Катта концерти

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ўзбекистон Ленин комсомол мукофотининг лауреати МАЪМУРА ЭРТАШЕВА

Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати ҚАХРАМОН ДАДАЕВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомол мукофотининг лауреати ХАЙРУЛЛА ЛУТҒУЛЛАЕВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: ГҶЛЧЕҶРА ФОЗИЛЖОНОВА, ҶҶИЛИ МУҶАМЕДОВА ва ансамблининг етакчи солисткалари қатнашадилар.

Ансамблининг бадий раҳбари — СССР халқ артисти ҚҶН-ДУЗ МИРКАРИМОВА.

Ансамблининг музика раҳбари — Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР давлат мукофотининг лауреати Бахтиёр АЛИЕВ.

Билетлар сотилмоқда.

**КОЛЛЕКТИВ БҶЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВҚАЛАР ҚА-БУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон ССР Ҷунар-техника таълим давлат комитети-нинг

8-УРТА ҶУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1986-1987 ҶУВ ЙИЛИ УЧУН

куйдаги ихтисосликлар бўйича

**ҶУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

учун аппаратларини йиғувчи слесарь, сонли программа билан бошқариладиган станоклар оператори, токар, фрезерчи, механика-йиғув ишлари слесари, саноат ускуналари ремонтчи бўйича слесарь.

ҶУШИГА 8-10-СИНФ ҶАҶМИДА МАЪЛУМОТЛИ ИИ-ГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

8-синф ҳақимида маълумотлилар 3 йил ўқидилар. Ҷувчилар бепул оқват, кийим-бош ва махсус кийим билан таъмин-ланадилар. Ҷушини тугатганлар ўрта маълумот ҳамда эгала-ган касби тўғрисида аттестат оладилар.

Ўрта маълумотлилар учун ўқш мuddати 8 ой. Ҷар ойда 65 сўмдан стипендия тўланади. Ҷушини битирганлардан сўнг диплом оладилар.

Ҷамама Ҷувчилар ишлаб чиқариш практикиси даврида иш-лаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар.

Ҷуш даври меҳнат стажига кўшиб ҳисобланади.

**БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР В. П. ЧКАЛОВ НОМИ-ДА ТОШКЕНТ АВИАЦИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШ-МАСИГА ИШГА ЮБОРИЛАДАЛАР.**

Билим юртини «аъло» баҳолар билан битирганлар олий Ҷув юртлирига киришга имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртида спорт секциялари, бадий Ҷаваскорлик тў-ғарақлари, фото, авиамоделичлар ва техника ижодкорлиги тўғарақлари мавжуд.

Ҷушда Ҷувчилар кўйдаги ҳужжатларини топширишлари лозим: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 286-формадаги меди-цина справкиси, ота-онанининг иш жойидаги справка, турар жойидаги справка, мактабдан характеристика, 3х4 см. ёки 4х5 см. ҳажиндаги 8 дона фотосурат.

Туғилганини тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: 700128, Тошкент шаҳри, 128-алоқа бўлими. У. Юсупов кўчаси, Авантосийнинг йрозеиди, 10-уй (44, 48, 97, 85-автобуслар, 10-тролейбус ва 10, 23, 27-трамвай-ларнинг «Марка-13» бекати). Телефон 41-75-54.

УРТА ОСИЕ МЕДИЦИНА ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

1986-1987 ҶУВ ЙИЛИ УЧУН

КУНДУЗГИ БҶЛИМГА

**ҶУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

БИЛИМ ЮРТИ ВОЛАЛАР ДАВОЛАШ МУАССАСАЛА-РИДА ИШЛАШ УЧУН МЕДИЦИНА ҶАМШИРАЛАРИ ТАЙ-ЕРЛАЙДИ.

АРИЗАЛАР — Тошкент шаҳрида яшаб турувчи, 10-синф ҳақимида маълумотли ёшлардан (ёши 30 дан ошмаган) 1 июн-дан 14 августгача қабул қилинади.

ҶУШИ МУDDАТИ — 1 ЙИЛУ 10 ОЙ.

Ҷушга кириш учун кўйдаги ҳужжатларини топшириш ке-рак: директор номига ариза, ўрта маълумот тўғрисидаги ҳуж-жат (асли), медицина справкиси (086/У форма), меҳнат даф-тарчасидан кўчирма, корхоналар, қурилишлар, қолхозлар, совхозлар, муассасалар ва ташиқлотлар томонидан ўнгиша ко-мандировка қилинганлар учун ягона формалдаги йўл-лама, 4 дона фотосурат (3х4 см.).

Билим юртига кирувчилар 1-21 август кунлари рус тили ва адабиётдан (инишо), миллий мактабларни битирганлар — дип-тант (ёки баён) ва химия (орзани) дан кириш имтиҳонлари топ-ширадилар.

Ҷуш рус тилида олиб борилди.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Киров райони, ТашГРЭС микрорайони, Чермет кўчаси, 103-уй (САМПИнинг янги территорияси).

## ШАФФОФ ДАРПАРДА

ШАФФОФ ВА ҶАВОНИ ЯХШИ УТКАЗУВЧИ ДАР-ПАРДА — ТЮЛЬ КВАРТИРАНИЗГА ҶУСН БАХШ ЭТАДИ, УНИ НУРАФШОН ҚИЛАДИ, ФАИЗ КИ-РИ ТАДИ

СИЗЛАРНИ ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИГА ЧОР-ЛАЙМИЗ.

БУ ЕРДА РАНГ-БАНГ-РАНГ ТЮЛЬ, ШУНИНГ-ДЕК ТАГИГА ҶАЖИМ ТУ-ТИЛГАН ТЮЛЬ ДАРПАР-ДАЛАР (размери 250x156, 183x146 см.) КЕНГ КҶ-ЛАМДА СОТУВГА ҚҶ-ИЛИЛГАН.

Савдо марказидан квар-тиранинг девори, мебел-ларнинг ранги, гиламини гулга мос келадиган энг яхши дарпардаларни сотиб олиндишга мумкин.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ (телефон 55-39-66). «СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИР-ЛАШМАСИНИНГ ҶЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТ-ЛИГИ (телефон 45-37-27).

спартакиадаси.

● УТВ I

7.30 Ритмик гимнастика.

7.50 «Салом, кичкинтойлар!».

Мультифильм.

8.00 «Тонги тароналар».

8.10 «Заминнинг барча гуллари».

Телефильм.

8.30 «АХБОРОТ».

8.50 «Гўзаллик ҳада этиб». Теле-фильм.

9.00 Москва. «ВРЕМЯ».

9.40 «Иван ила Марья». Бадий фильм.

11.05 «Ўзбекистон спортни!».

«Старда фақат хотин-қизлар!» 11.45 «Қизлар мушоираси». Ада-бий кўрсатуви.

12.30 «Ю, аёллар, аёллар». Кино-концерт (рус.).

13.15 Еш олимлар телеклуби.

13.35 Мактаб ўқувчилари учун. «Кўшим, жон кўшим».

14.15 «Кейгурши ярашмайди». Фильм-концерт.

18.00 Кўрсатувлар программаси.

18.05 «Ҷар доим бўлсин онам!».

Адабий-музикали композиция.

18.40 «Гулшанаро гулчехралар».

Кинокўрсатуви.

19.10 «Ҷақийқий дўстлар», «Кўшиқ».

Мультифильмлар.

19.30 «АХБОРОТ» (рус.).

19.45 С. Сиёев. «Кўёв салом».

Телевизион миниатюралар те-атрининг спектакли.

20.30 «АХБОРОТ».

20.50 «ТАБРИКЛАРИМИЗНИ ҚА-БУЛ ЭТИНГ». Музикали програм-ма.

21.30 Москва. «ВРЕМЯ».

22.05 «ТАБРИКЛАРИМИЗНИ ҚА-БУЛ ЭТИНГ». Музикали про-граммининг давоми.

22.40 «Нафосат». Хотин-қизлар учун байрам тележурнали.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашри-тининг Меҳнат Қизил Байроғ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри.

**ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**

«ИВЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депу-татов.

**РЕДАКЦИЈА АДРЕСИ:**

700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет кўрили-ши — 32-55-37; саноат ва кўрилиш — 32-57-84; шаҳар Ҷу-лиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 33-28-95; хатлар — 33-29-70; эълонлар бў-лими — 33-81-42.